



Макканинг фатх этилиши

8-хижрий йил Рамазон ойининг 20-санасида (630 йил 11 январ) буюк галаба содир бўлди – Маккаи мукаррама фатх этилди. Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам бошчилигидаги мусулмонлар кўшини мукаддас шаҳарни жангсиз кўлга олдилар. Макканинг фатх этилиши тавҳиднинг ширк устидан тантанасини белгилаб берди: Каъбага киргач, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам у ердаги мушрикларнинг барча бутлари ва санамларини бузиб ташладилар. Шу фурсатдан бошлаб, Макка масжидида – ер юзида бунёд этилган биринчи ибодатхонада – барча ибодатлар, худди Иброхим ва Исмоил алайхиссаломлар давридаги каби, оламлар сарвари, ягона Аллохга багишланади. Янги халкларнинг ислом динини қабул қилиши билан Каъба жойлашган

Макка шаҳри нафакат араблар, балки бутун дунё мусулмонлари учун диний марказга айланди.

Рисолат бошланганидан 12 йил ўтиб, деярли барча мусулмонлар Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам биргаликда Маккадан чикиб, илк Исломи давлат ташкил топган Мадинага хижрат килдилар. Шундан сўнг Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бошчилигидаги мадиналик мусулмонлар ва маккалик мушриклар ўртасида уруш бошланиб, турли муваффакият билан давом этди. 628 йилда Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам билан курайшлик мушриклар ўртасида Худайбия тинчлик шартномаси тузилди. Бирок орадан икки йил ўтиб, мушриклар келишув шартларини бузишди. Бу воқеадан афсусланган курайшийлар Худайбийлар шартномасини янгилаш ва муддатини узайтириш илинжида Абу Суфённи Мадинага жўнатдилар. Бирок Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам янги битим тузишдан бош тортиб, Маккани мушриклардан озод қилишга қарор килди.

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Маккага юришга тайёрлана бошладилар ва бу ҳақида саҳобаларга маълум килдилар. Бундан ташқари, ушбу юришга Мадина атрофида яшаган бадавийлар ҳам жалб қилинди. Натижада ўн минг кишига яқин қўшин тўпланди ва Мадинадан 8-хижрий йилнинг 10-рамазонида йўлга чиқди. Мадинадан чиққандан бошлаб Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ва қолган мусулмонлар рўза тутдилар, лекин Қудайдга етиб келгач, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам одамлар рўза тутишга қийналаётганини қўриб, уни тўхтатишга амр килдилар ва улар ўз йўлларини давом эттирдилар.

Рамазон ойининг 20-санаси тонгида мусулмонлар бир неча тарафдан Маккага кириб кела бошладилар. Дахлсиз ҳудудга кирган Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам «Фатх» сурасини ўқидилар. Уларнинг ёнида содиқ саҳобалари ва ажралмас йўлдошлари Абу Бакр ас-Сиддик бор эди.

Орадан маълум вақт ўтгач, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам муҳожирлар ва ансорлар қуршовида Масжиди Харом ҳудудига кириб келдилар. Туяда ўтирган ҳолда Каъбани айланиб чиқа бошладилар. Каъба атрофида 360 та бут бўлиб, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам қўлларидаги таёк билан уларни уриб, «Хак келди, ботил йўқ бўлди. Зотан, ботил доимо йўқ бўлувчидир» (Исро, 81) ҳамда «Хак келди! Ботил янгиланмас ва қайтмас» (Сабаъ, 49), деб айтдилар. Бунда бутлар бирин-кетин ерга қуларди. Каъбани айланиб чиққач, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам у ердан барча бутларни олиб чиқиш ва синдиришни, ичкаридаги деворга қизилган расмларни эса ўчириб ташлашни буюрдилар. Сўнгра Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бир неча саҳобалари билан Каъбанинг ичига кириб, у ерда намоз ўқидилар.

Шундан сўнг Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Каъба эшикларини очиб, ибодатхона олдига йигилган маккаликларга самимий нутқ билан мурожаат килдилар, унда ислом қоидаларининг қўпини баён килдилар, исломгача бўлган жаҳолат қонунларини бекор килдилар ва тугилишда эга бўлинадиган имтиёзларини бекор деб эълон килдилар. Шундан сўнг Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам собиқ душманларини тинчликда қўйиб юбордилар.

Сўнгра Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Сафо тепалигига яқинлашиб, ўша ердан Каъбага қараш учун унга қўтарилдилар. Маълум вақт давомида Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам қўлларини қўтариб осмонга қарадилар ва Аллоҳга ниҳо килдилар. Макка фатх этилганидан сўнг Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам у ерда ўн беш кун бўлиб, сўнгра Хунаинга йўл олдилар. Макка ҳукмдорлари этиб Уттаба ибн Усайд ва

Муоз ибн Жабал (р.а) тайинланди.

Киёматгача Макка атрофидаги ҳудуд ва шаҳарнинг ўзи осмонлар ва ер яратилгандан бери бўлганидай, қўрик ерлар бўлиб қолади. Бу жойда унинг махсус макомини таъкидлайдиган алоҳида қоидалар амал қилади. Бу муҳим қоидалар ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилгандан кейин одамларга эслатиб ўтганлар.